

SAIGA NEWS

Экология ва сайгоқни сақлаш масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 тилда чоп этилади



Фото: АСБК

Сайгоқ куни – энди халқаро байрам!

Бу йил Халқаро Сайгоқ куни сайгоқ яшайдиган мамлакатлар – Қозоғистон, Ўзбекистон ва Россия(Қалмоғистон)да бир вақтда биринчи марта нишонланди. Бундай гоя 2010 й. декабрида Қозоғистоннинг Уралск шаҳрида PTES ва SOS фондларининг молиявий кўмағида «SOS сайга!» лойиҳаси доирасида тажриба алмашинуви бўйича ўтказилган семинарда учта мамлакат вакиллари учрашганларида пайдо бўлди. Келгусида бошқа мамлакат ва регионларда ҳам Сайгоқ кунини ташкил этиши режалаштирилган. Агарда бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб ўзингизнинг сайгоқ кунингизни келаси йилда Сайгоқ ва чўл табиатига бағишланган Халқаро байрамнинг қисми сифатида ўтказсангиз биз хурсанд бўлар эдик.

Қозоғистон

Қозоғистонда бу байрам Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси, “Фауна ва Флора Интернешнл” (FFI) халқаро НПО кўмағида Ғарбий-Қозоғистон областида нишонланди. Қозоғистонда биринчи Сайгоқ кунини ўтказиш жойининг танланиши тасодифий эмас – ўтган йилнинг май ойида айнан шу ерда сайгоқларнинг ялпи қирилиши содир бўлган. Ушбу ташаббус “Сайгоқнинг урал популяциясини сақлаш масаласига жамоатчилик эътиборини жалб этиш” лойиҳаси доирасида амалга оширилди (SN-12 қар).

Сайгоқ куни 27 апрелдан 4 майгача Қазтал ва Жонибек районларининг 5 қишлоғи (Ажибай, Нурсай, Борси, Караоба ва Ақоба)да ўтказилди.

Оҳури 2-бетда

МУНДАРИЖА

Асосий мақола

Е.А.Бикова, Ю.Н.Арилов, О.Климанова

Сайғоқ куни – энди халқаро байрам! 1

Янгиликлар

К.Реттгер

Семинар Қозоғистонда сайғоқни сақлаш бўйича устувор йўналишларни аниқлади 4

Дуйсекеев Б.З.

Ғарбий-Қозоғистон областида сайғоқларга теккан ўлатнинг яна бир ҳолати 4

Ю.А.Грачев

Қозоғистонда 2011 й. сайғоқларни авиаҳисобга олишнинг натижалари 5

Дж.Холдкрофт

“Ёввойи ҳайвонларни қутқариш” кўрғазмаси бутун дунёдан ноёб турларни йиғиб олди 6

Д.Жарболова

Ҳамма сайғоқ ҳимоясига! 6

Матбуотдан:

Хитойда сайғоқ боши кўпайди.

Қозоғистон куч тизимлари браконьерликка қарши турмоқда. 7

Мақолалар

Мирошниченко В.Н.

Қалмоғистонда Сайғоқ йили: асосий яқун ва истиқболлар 9

Б. Чимеддорж

Буюк кўллар ҳавзасида сайғоқни сақлаш бўйича лойиҳанинг ютуқлари, Ғарбий Мўғулистон 10

Д.Тиль, К.Тиль-Эгентер

2010 йилда "Степной" заказнигига самарали ташриф..... 11

С.В.Сидоров

Шимоли-Ғарбий Каспий олдида 2011 й. баҳорги сайғоқ мониторингининг дастлаб натижалари. 12

А.Салемгареев

Бетпақдала популяцияси сайғоқларини ҳисобга олиш учун тепловизор ва визуал-инструментал авиасъемкалар апробацияси 14

П.Н.Амосов

Баскунчак кўли атрофидаги сайғоқ 15

К.Роадс

SWOT- Сайғоқни сақлаш бўйича альянс таҳлили..... 16

Сайғоқни сақлаш - ҳаётларининг иши

Ҳар қандай иш билан дилдан шуғулланиш керак – шунда натижа ҳам кўнгилдагидек бўлади 17

Лойиҳалар шарҳи

Сайғоқларни сақлаш бўйича альянс лойиҳаларининг янгиликлари 18

Янги нашрлар..... 19

Оҳири (боши 1 бетда)



АСБК сурати

Тадбирларда 1-4 синф мактаб ўқувчилари, шунингдек ўқитувчи ва ота-оналар, жами 350ка яқин одам иштирок этди. Дастур ўйинлар, танловлар, мантикий топшириқлардан иборат эди. Ҳар бир мактабда болалар бадий номерлар тайёрладилар, сайғоқ ҳақида шеърлар ўқидилар, жумладан ўзлари ёзганларини ҳам. Расмлар танлови ўтказилди. Ўтказилган иш, шубҳасиз, сайғоқ тўғрисида билимларни оширишга ёрдам берди, мантикий топшириқ ва ҳаракатли ўйинлар, расм ва бадий ҳаваскорлик танловлари ҳам экологик тарбияга қаратилган эди.



Фото АСБК

Батафсиноқ

http://acbk.kz/index.php?option=com_content&task=view&id=222&Itemid=311 да.

Ўзбекистон

Сўнги бир неча йил давомида Ўзбекистонда Устюрт платосида Сайғоқ куни нишоланади. Бу йил Қўнғот туманининг Жаслик ва Қорақалпоқ поселкаларида “Сайғоқни сақлаш бизнинг кўлимизда” шиори остида тадбир ўтказилди. Сайғоқни сақлаш Альянси ва FFI кўмагида маҳаллий мактаблар унинг ташкилотчилари бўлди. Тадбирга мактаб ўқувчилари, посёлкалар аҳолиси, жойлардаги маъмурият, табиатни сақлаш ва кучли тизим-



А. Есипов сурати.

иккала мактабида ҳам ўтказилган интеллектуал ва ижодий викториналарга эътиборсиз қолмадилар. Болалар сайғоқ ва чўлнинг бошқа яшовчиларининг ҳаётини яхши билишларини намойиш этдилар.

Россия

Қалмоғистонда Халқаро Сайғоқ куни доирасида Республика Ёввойи ҳайвонлар марказида болалар учун махсус сайр дастури ишлаб чиқилди. У сайғоқларни вольерларда кузатиш, презентация ва фильмларни намойиш этиш, Қалмоғистон ва ареалнинг бошқа мамлакатларида сайғоқни сақлаш замонавий муаммолари тўғрисида ҳикоядан иборат эди. Шунингдек болалар викторина ва спорт мусобақаларида ҳам қатнашдилар. Жами тадбирларда 250ка яқин одам, жумладан Қалмоғистон Яшқўл ва Черноземельск районларининг қишлоқ мактаблари болалари иштирок этдилар.



К.Сурожоқ сурати.

Бошқа мамлакатларда сайғоқ дўстларини топиш умидида болалар оқритқалар ёздилар.

Қўшимча маълумот олиш учун боғланинг: Ольга Климанова, Қозоғистон, olga.klimanova@acbk.kz; Елена Бикова, Ўзбекистон, esipov@xnet.uz ва Юрий Арилов, Россия, kalmsaiga@mail.ru билан.

лар, жамоатчилик ташкилотлари ва ОАВ вакиллари йиғилдилар. Қишлоқ кенгашларининг раҳбарлари ва мактаб директорлари аҳолига, ўтказилаётган тадбирнинг аҳамиятга эгаллигини, сайғоқ муҳим қисми бўлган, жонажон ўлка табиатини сақлаш бўйича ишда ҳар бир инсон иштирок этиши зарурлигини таъкидлаб, табрик сўзи билан мурожаат қилдилар. Ўқувчиларнинг кизиқарли концерт дастури билан чиқишлари олдида экология ва сайғоқни сақлашга бағишланган очик дарслар, ҳамда анъанавий ижодий танловлар ўтказилди. Танловлар ғолиблари ва энг серғайратли ўқитувчилар мукофот ва ёрликлар олдилар.

Ҳар бир мактаб унутилмас дастурлар, жумладан Жаслик пос. 54-сонли мактаби ташкиллаштирган болалар ва уларнинг ота-оналари учун спорт мусобақаларини тайёрладилар. Бу йил катталар болалар билан биринчи марта бирга иштирок этдилар. Қорақалпоқ пос. 26-сонли мактаб ўқувчилари табиатга бағишланган ашула ва шеърларни қозоқ, рус ва инглиз тилларида ижро этиб, тилларни яхши билишларини кўрсатдилар, шунингдек меҳмонларни рақс дастури ҳам хурсанд қилди. Қорақалпоқ пос. 56-сонли мактаб ўқувчилари сайғоқ билан боғлиқ бўлган эртақ ва афсоналар мавзуси бўйича ҳақиқий кўғирчоқ спектакллар кўйдилар, буларнинг кўпини улар ўзлари тўқишган. Шунингдек томашабинлар Қорақалпоқ пос.



А. Есипов сурати.

Янгиликлар

Семинар Қозоғистонда сайғоқни сақлаш бўйича устувор йўналишларни аниқлади

Реттгер Кристиан, ЮНЕП/КМВ Котибиати, CRoettger@cms.int

Қозоғистон Республикаси ҚХВ ўрмончилик ва овчилик қўмитаси ЮНЕП/КМВ Котибиати билан биргаликда 17-18 феврал кунлари Остонада Сайғоқни сақлаш бўйича КМВ Ҳамжихатлик меморандуми(ХМ)нинг бажарилишини техник мувофиқлаштириш муаммоларига бағишланган семинар ўтказди ва Қозоғистонда фаолиятнинг устувор йўналишларини мослаштирди. Қозоғистон табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг вакиллари сайғоқ бўйича ХМнинг бажарилиши ва бухоро кийигининг замонавий аҳволини муҳокама қилдилар.

Учрашув вақтида ЮНЕП/КМВ Котибиати трансчегара устуорт популяциясини сақлаш учун ўрта муддатли халқаро ишчи дастурни бажариш бўйича техник ва ташкилий ёрдам бериш учун Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК) ва Сайғоқни сақлаш бўйича альянс (АСС) билан битим тузди.

Иштирокчилар сайғоқ касалликларини ўрганиш ва келажакда ялпи қирилиш ҳолларининг олдини олиш учун аниқ шошилиш чораларни жорий этиш каби Қозоғистон учун устувор йўналишларни кўриб чиқдилар. Браконьерлик даражасини пасайтириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини

кучайтириш ишчи дастурнинг бошқа устунлиги деб белгиланди.

Информацион алмашинув маҳаллий аҳоли учун турнинг маданий ва иқтисодий аҳамияти ва чўл экотизимлари учун унинг фундаментал ролини тушинишни кучайтиришда аҳамиятли роль ўйнаши сабабли, сайғоқ ареали мамлакатларига информацион оқимнинг кучайтирилиши сайғоқни сақлаш бўйича ХМ техник мувофиқлашувини биргаликда таъминлаётган АСБК ва АСС асосий вазифаси бўлади. Битимнинг бажарилиши бўйича ютуқлар ёритилган *Saiga News* сони, сайғоқ бўйича Ресурс марказининг янги вебсайти, ҳамда ўрта муддатли халқаро ишчи дастурнинг бажарилишига қаратилган лойиҳаларнинг интерактив маълумотлар базаси кейинги қадамлар бўлади.

Семинар, жумладан семинар ҳисоботи ва тавсияларини

http://www.cms.int/species/saiga/other_saiga_meetings.html да олишингиз мумкин.

2011-2015йй. ўрта муддатли халқаро ишчи дастурни http://www.cms.int/species/saiga/2ndMtg_Mongolia/Mtg_Rpt/Annex_5_MTIWP_2011_2015_E.pdf да топишингиз мумкин.



Остонада семинар иштирокчилари

Ғарбий-Қозоғистон областида сайғоқларга теккан ўлатнинг яна бир ҳолати

Бақитбек Дүйсекеев, ҚР ҚХВ ЎОХҚ ҳайвонот дунёси бўйича бошқармаси, cites@minagri.kz

2011 й. 27 май куни Ғарбий-Қозоғистон обл. Жонибек районининг Борсин қишлоқ округи ҳокимидан область ҳудудий ўрмончилик ва овчилик бошқармасига Ғарбий-Қозоғистон обл., Жонибек райони, Борсин қишлоқ округининг “Айдарли” деган жойида сайғоқларнинг ўлати тўғрисида хабар келди. Ўлат теккан сайғоқларнинг тарқалиш ҳудуди тахминан 5га 10 км-ни ташкил этди. Ҳалок бўлган сайғоқларнинг сони 441 сайғоқ, жумладан 364 ўрғочи ва 77та сайғоқ боласи.

Таналар топилган жойда тегишли ИТИ ва лабораториялар томонидан лаборатор текширувлар ўтказиш мақсадида, ўлат теккан сайғоқлардан патологик материаллар, тупроқ, сув ва ўсимлик намуналари олинди. Лаборатор текширувларнинг дастлабки натижалари ўтган йилдагидай сайғоқларни пастереллез (*Pasteurella multocida*) дан ҳалок бўлишини кўрсатди (*SN-11 қар.*),

Ҳозирги вақтда Қўмита томонидан касаллик сабаби тўғрисида хулоса тайёрлаш ва келажақда бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун 2010-2011 йй. Фарбий-Қозоғистон области ҳудудида сайғоқлар ўлимининг лаборатор текширувлари натижаларини ўрганиш бўйича халқаро ва миллий экспертларни жалб этиш бўйича чоралар кўрилди.

РГП ва ҚР МОН Фан қўмитасининг “Биологик хавфсизлик муаммолари ИТИ” томонидан биргаликда “Экологик-эпизоотологик мониторинг ва сайғоқларнинг ўта хавфли касалликларига қарши профилактиканинг ўзига хос воситалари ва диагностикасини ишлаб чиқиш” илмий-тадқиқот дастури ишлаб чиқилди.

Облҳудудинспекция ва РГКП “ПО Охотзоопром” инспекторлари томонидан сайғоқлар урал популяцияси ҳолатининг мониторинги ўтказилди, у сайғоқлар ҳолати бўйича вазият стабиллашганини кўрсатди. 30 майга ўлат теккан сайғоқлар топилмади.



ҚР ҚХВ ўоқК сурати

2010 й. май ойида пастереллездан ҳалок бўлган урал популяцияси сайғоқлари.

Қозоғистонда 2011 й. сайғоқларни авиаҳисобга олиш натижалари

Юрий Грачев, ҚР МОН Зоология институти, teriologi@mail.ru

Сайғоқнинг авиаҳисобга олиниши Қозоғистонда 2011 й. 7 апрелдан 27 апрелгача ҚР МОН Зоология институти, ҚР ҚХВ ўрмончилик ва овчилик хўжалиги қўмитаси, “ПО Охотзоопром”, ўрмончилик ва овчилик хўжалигининг область ҳудудий инспекциялари ва Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси ходимларининг иштирокида ўтказилди.

Жорий йилда ҳисоблаш усулига баъзи бир ўзгаришлар киритилди. Ҳисоблаш йўлининг кенглиги 2 км дан 1,2 км гача камайтирилди (ҳар бир тарафдан 600 метрдан) ва самолет қанотларига тортилган ленталарга маҳкамланган маркерлар (узун ингичка ходалар) ёрдамида чегараланган. Айниқса катта гуруҳлар учун муҳим бўлган, хайвонларни аниқ ҳисоблаш учун, олдинги иллюминаторларга қаттиқ мустаҳкамланган ва 600-метрли ҳисобга олиш йўлига қаратилган фотоаппаратлардан фойдаланилди. Бу билан бир вақтда, олдинги йиллардагидай, олдинги усул билан 2 км



А. Салемгареева сурати

Бетпақдала популяцияси сайғоқларини ҳисобга олишнинг иштирокчилари, Торғай, 2011 й. апрел

кенглигидаги йўлда ҳам сайғоқлар ҳисобга олинди. 1,2 км йўлда ҳисобга олишнинг аниқлиги, шубҳасиз, ошди. Сонлардаги фарқ (экстраполяциядан кейин) - 1,2 км ҳисоблаш йўлида кўпайиш томонга турли

популяцияларда 1,3-1,8 минг зот. Сабаби, эҳтимол, кенгрок ҳисобга олиш йўлида самолётдан узоклашган подаларнинг ҳисобга олувчилар томонидан ўтказилиб юборилиши.

Ҳисобга олишнинг маълумотлари бўйича сайғоқнинг умумий сони 102 минг зотни ташкил этди (2010 й. – 85,5 минг), жумладан бетпақдала популяциясининг сони – 78 минг, устюрт попул. – 6,1 минг, урал попул. -17,9 минг. Олдинги йилга нисбатан бетпақдала популяциясининг сони ўсган, устюрт попул. сони ўша даражада қолган, урал попул. сони қисқарган.



Фото А. Салемгареева

Авиаҳисобга олиш вақтида суратга олинган, сайғоқ подаларидан бири

“Ёввойи ҳайвонларни қутқариш” кўргазмаси бутун дунёдан ноёб турларни йиғиб олди

Джессика Холдкрофт, holdcroft@sciencenorth.ca


“Ёввойи ҳайвонларни қутқариш” кўргазмаси – бу ёввойи ҳайвонлар ва уларни қутқаришга ҳаётини бераётган, инсонларга бағишланган ўз вақтида ўтказилган тадбир. У Канада, Онтарио, Кэдберида жойлашган “Science North” илмий марказ томонидан ташкиллаштирилган. “Science North”да 10-ойлик намоишдан кейин, у Канада ва АҚШ илмий марказлари бўйича саёҳатни бошлайди.



А. Естилова сурати

Кэдберида илмий марказда “Ёввойи ҳайвонларни қутқариш” кўргазмасига кириш

“Ёввойи ҳайвонларни қутқариш” кўргазмасининг экспонатларидан бири – бу йўқолиб кетиш арафасида турган, бутун дунёдаги 30та ҳайвоннинг сурати бор, тўрт футли айланадиган глобус. Глобуснинг устида сенсорли экранлар жойлашган, уларни босганда, келувчилар бу турлар бўйича қўшимча маълумот олишлари мумкин. Улар ҳар бир ҳайвон тўғрисида қизиқарли маълумот олиш, улар нима учун йўқолиб кетиш арафасида турганлиги ва буни олдини олиш учун нима қилинаётгани тўғрисида билиб олиш учун сурат, видео ва матн шаклдаги материалларни кўра оладилар. Бу ерда сайёқ ҳам бор, бу Шимолий Америкалик келувчиларга евроосиё чўлларида яшайдиган жонивор тўғрисида кўпроқ билиб олишларига, ҳамда Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази тўғрисида маълумот олиш, шунингдек Марказ ва марказ ходимларининг суратларини кўришга имкон беради. Кўргазма туфайли, келувчилар сайёқларни кўпайтириш, ўрганиш ва мониторинги, шунингдек



М. Варон сурати

Йўқолиб кетиш арафасида турган турларнинг сурати бор глобус

бу нодир турни сақлаб қолишнинг муҳимлиги бўйича жамоатчиликни маърифатлаш бўйича Марказ олиб бораётган муҳим иш тўғрисида билиб оладилар.

Батафсил <http://sciencenorth.ca/exhibitsales/services-tour-wildlife.aspx> да



М. Варон сурати

ҚР Ёввойи ҳайвонлар марказига бағишланган саҳифа

Ҳамма сайёқ ҳимоясига!

Панана Жарболлова АСБК danara.zharbolova@achk.kz

Сайёқ ва чўлнинг бошқа яшовчиларини муҳофаза қилиш муҳимлиги тўғрисида сўзлаб бериш учун жазирама ва аёзли кунларда юзлаб километр босиб ўтиш - шундай мақсадни Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК) Мониторинг ва тарғибот хизматининг ходимлари ўз олдларига қўйдилар. Улар икки йил давомида Германия атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги Маркалар фондининг молиявий

қўмағида сайёқ бетпақдала популяциясининг яқинида жойлашган қишлоқларда ўқув- ташвиқот тадбирларни фаол ўтказмоқдалар.

Ҳар бир аҳоли пунктида АСБК командаси ўқувчилар, қишлоқ маъмуриятлари ва қишлоқ аҳолиси билан учрашувлар ўтказди. Ҳар бир аудитория учун тегишли презентация, хужжатли фильм ва инфрмацион-оқартув материаллар тайёрланган. Кичик ёшдаги ўқувчилар

учун, бу муҳим тингловчиларга билим ва маълумотни улар учун тушунарли ва қизиқарли шаклда етказишга ёрдам берадиган, ҳаракатли ролли ўйинлар ҳам кўзда тутилган. Икки йил ичида Германия атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан молиялаштирилган ушбу лойиҳа, қишлоқ аҳолисини хабардор қилиш ва ўқитиш – муҳофазалаш чоратadbирлари билан бирга доимо ўтказилиши керак бўлган, ишнинг муҳим қисми эканлигини кўрсатиб, катта натижаларга эришди.

Бутун давр ичида АСБК мутахассислари Караганда, Кустанай, Қизилўрда ва Ғарбий-Қозоғистон областларининг 50дан ортиқ аҳоли пунктларига бориб, турли мақсадли гуруҳлар (жами 6000 ортиқ одам) билан 110дан ортиқ учрашувлар ўтказдилар. Ушбу учрашувлар фақат аҳолини “ўқитиш”ни эмас, балки икки томонлама музокарани ҳам кўзда тутган эди. Қишлоқ аҳолиси етарлича очик музокараларда қатнашадилар, сайғокни сақлашга бевосита ва четдан тегишли муаммоларни муҳокама қиладилар, ўз фикр ва таклифларини билдирадилар.

Ушбу музокараларнинг энг долзарб мавзулари: браконьерлик сабаблари, ҳайвонлар яшаш жойлари ва шароитларининг ўзгариши, экотизим ва биохилма-хиллик учун сайғокни сақлашнинг муҳимлиги, овчилик хўжаликлари билан ҳамкорлик. Ушбу лойиҳа давомида

олинган тажриба, ҳамда услубий ва инфор­мацион-ўқув материалларидан кенг кўламли тадбирнинг ўтказилишида фойдаланилди. 2011 й. 12-25 март кунлари ҚР ҚХВ Ўрмончилик ва овчилик хўжалиги кўмитаси томонидан экологик маърифат, маҳаллий аҳолида сайғокларга нисбатан ғамхўрлик муносабатини тарбиялаш ва уларни сақлашга кўмаклашиш бўйича ташвиқот-тарғибот тадбири ўтказилди. Тадбир “Ҳамма сайғок ҳимоясига!” шиори остида ўтказилди. Сайғок ареалидан ташқарида жойлашган қишлоқларда учрашувлар ўтказиш учун иккита махсус бригада тузилди. Уларнинг таркибига овчилик ва ўрмончилик хўжалиги ҳудудий инспекциялари, РГКП “ПО “Охотзоопром”, АСБК, ОАВ ва ҳуқуқни муҳофазаловчи органларнинг вакиллари киритилди. Бригадалар видео-фото-материалларни намойиш этиш учун техник воситалар билан жиҳозланган автомобилларда, сайғокларнинг миграция йўллари ёки улар зич тўпланган ерларда жойлашган Караганда, Кустанай ва Қизилўрда областларининг район марказлари, ҳамда узоклашган аҳоли пунктларига чиқдилар. Шубҳасиз, сайғокни сақлаш бўйича ишга жалб этилган барча ташкилотлар, бундай тадбирлар бир мароталик бўлиб қолмай, қишлоқ ҳудудларида барча ташкилотлар ва аҳолини доимий биргаликда бажарадиган ишнинг қисми бўлиб қолишига манфаатдор.

Матбуотдан

Хитойда сайғок боши кўпайди

2011 й. 26 апрел куни Хитойнинг шимолий-ғарбида, Ганьсу провинциясида жойлашган Ноёб ҳайвонларни ўрганиш марказида 31та сайғокча дунёга келди. Сайғокларнинг умумий сони 105 зотни ташкил қилди. Ушбу тур Хитой ёввойи табиатидан бутунлай йўқолган, бу табиатда сўнгги ўн йилликларда унинг топилмаганлиги билан тасдиқланади. 1988 й. ўндан ортиқ сайғок Марказга бошқа давлатлардан олиб келинган, қолган ҳайвонлар Ганьсуда туғилган. Марказ ходимлари ёввойи табиатга реинтродукция қилиш учун кўпроқ сайғок кўпайтиришмоқчилар. *Батафсил* <http://english.peopledaily.com.cn/90001/90776/90882/7395693.html> да.

Қозоғистон кучли тизимлари браконьерликка қарши туриш учун бирлашмоқда

2011 й. 21 май куни Кустанай обл. прокуратурасида ички ишлар вазирлиги, ҚХВ, халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, область ҳокимиятлари, ДВД вакиллари, ҳамда бир қатор область прокурорларининг иштирокида сайғок популяциясини сақлаш муаммолари ва браконьерликка қарши туриш чоралари бўйича ҳудудлараро йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда браконьерлик сайғок популяцияси тикланишининг йўлида асосий тўсиқлардан бири бўлиши белгиланди. Ҳайвонларнинг табиий қайта тикланишини бузилишига олиб келадиган ва сайғокни тур сифатида йўқолишига олиб келиши мумкин бўлган

эркакларининг ваҳшийларча қирилиши катта ташвишга солмоқда. 2010 й. бетпақдала ва урал популяцияларида эркак сайғоклар улуши 12%, устюрт популяциясида – атиги 6% ташкил этди.

Йиғилишга раислик қилган, Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари Иоган Меркель браконьерлик ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш бўйича чоралар кўриш, ушбу тоифадаги жиноий ишлар терговининг сифатини ва очилишини ошириш, ҳайвонот оламини муҳофазалаш хизматлари билан оператив ҳамкорликни таъминлашни ИИВдан талаб қилди. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўрмончилик ва овчилик хўжалигининг ҳудудий инспекциялари, ҳамда “ПО Охотзоопром” республика давлат коммунал корхонаси ишларининг самарадолигини ошириш, шунингдек ходимлар жавобгарлигини қатъий қилиб қўйиш зарурлиги кўрсатилди. Прокуратура органлари олдида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар фаолиятини тегишлича мослаштирилишини таъминлаш, ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликнинг қўлланилиши назоратининг самарадорлигини ошириш вазифалари қўйилган. Шунингдек йиғилишда область ҳудудида “Олтин дала” давлат табиат резерватини тезда туриш зарурлиги масаласи муҳокама қилинди.

Батафсил <http://inform.kz/rus/article/2381977> да.

Шунингдек республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўрмончилик ва овчилик хўжалиги кўмитаси ИИВ Маъмурий полиция кўмитаси билан биргаликда сайғокнинг ноқонуний ови ва сотилиши учун жавобгарлик чораларига талабчанликни ошириш ташаббускорлари бўлди. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ браконьерлар фақатгина пуллик жарима билан

Бетпақдала популяцияси

2010 й. 26 декабр - 2011 й. 15 январ

Актюбинск, Қизилўрда, Қостанай ва Қарағанда областларида ИИБ ходимлари манфаатдор бўлган давлат органлари билан биргаликда нолегал сайғоқ ови далилларини аниқлаш ва олдини олишга қаратилагн “Сайга” операциясини ўтказилдилар. Операция якунлари бўйича 5та браконьер қўлга туширилди, улардан сайғоқ танаси ва шохлари мусордара қилинди. Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг 45та бузилиши ва шунингдек ов қуролини сақлаш қоидаларининг бузилиши аниқланди.

Батафсил

<http://kt.kz/?lang=rus&uin=1133168098&chapter=1153531179> да.

2011 й. 18 январ

Қизилўрда области табиатни муҳофазалаш полициячилари “Охотзоопром” инспекторлари билан бирга ёнида 8та янги арраланган сайғоқ шохи бўлган браконьерларни ушлаб қолдилар. Ушбу далил бўйича тергов “Ноқонуний ов” ҚР ЖК 288-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатди.

Батафсил

<http://inform.kz/rus/article/2341522> да.

2011 й. феврал

Қизилўрда шаҳридаги қўп қаватли уйларнинг ховлисида жойлашган гаражларнинг бирида табиатни муҳофазалаш полициячилари томонидан 3та сайғоқ танаси ва териси топилди ва мусодара қилинди. Гараж эгаси таналарни нотаниш шахсдан шахсий истеъмол учун сотиб олганини маълум қилди. Унга қарши ҚР ЖК “Шубҳасиз ноқонуний йўл билан орттирилган мулкни сотиб олиш ёки сотиш” ҚР ЖК 183-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатиш масаласи кўриломқда.

Батафсил
<http://kt.kz/?lang=rus&uin=1138536468&chapter=1153533396> да.

Жезказган ш. 30 километрда 2та УАЗ автомашинасини текшириш вақтида “Охотзоопром” ДК мутахассислари ов қуралининг бир нечта тури, 6та қуён танаси ва 7та сайғоқ терисини топдилар. Автомобиллар тўхтаган жойнинг яқинида полициячилар пакетларда нимталанган сайғоқ гўшти, 4та кесиб олинган калласи, 9 дона оёқ ва 3 жуфт янги арраланган шохларни топдилар. Тўхтатиб қолинган ҳайдовчилар ҳайвонларни ўлдирмаганликлари ва таналарни Жездинка дарёси бўйлаб топиб олиб, гўштни нимталашга қарор қилганликларини тушинтирдилар. Гўшт ва терилар суд-ветеринария экспертизасига берилди, қурул, ҳайвонлар ушбу ёки бошқа қурулдан ўлдирилганликларини аниқлаш учун, суд-баллистика экспертизасига юборилди. Хулосанинг натижасига қараб, айбланаётганларни браконьерлик учун жиноий жавобгарликка тортиш ёки жиноий иш қўзғатилишини рад этиш тўғрисида масала кўриб чиқилади.

Батафсил
<http://kt.kz/?lang=rus&uin=1138536468&chapter=1153532553> да.

2011 й. март - Қозоғистон

Иргиз РИИБ тергов-оператив гуруҳи Иргиз-Тўрғай табиат резервати ҳудудида браконьерлар автомашинасини тўхтатиб қолди. Текширув натижасида багажникда сайғоқ танаси ва ов қуроли топилди ва олиб қўйилди.

кутилиб қолмоқда. Жиноий кодексда браконьерлик қуроли, жумладан транспорт воситаларининг мусодарисини кўзда тутиш мўлжалланяпти. Чораларга талабчанликни ошириш, Ўрмончилик ва овчилик хўжалиги кўмитаси раиси Ерлан Нисанбаевнинг фикрича, ёввойи ҳайвонларининг ови билан шуғулланидиган уюшган группировкалар сонини камайтиришга имкон беради.

Батафсил <http://vesti.kz/society/79547> да.



Қозоғистонлик уддабурон коммерсантлар сайғоқ ва қарқандон шохининг сотиб олишга тайёр

2011 й. 4 май куни Ғарбий-Қозоғистон прокуратураси томонидан сайғоқларнинг қўзилаш даврида браконьерлик билан қурашишни фаоллаштириш масалалари ва “Бекіре-2011” оператив-профилактик тадбирини ўтказиш бўйича муассасалараро йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда манфаатдор давлат ташкилотлари ва РГКП “Охотзоопром” мутахассислари иштирок этдилар. Браконьерлик ҳолларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича чоралар ва келажакда бирга олиб бориладиган ишларнинг усуллари музокара қилинди, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар бўйича тегишли ташкилотларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Батафсил <http://www.zakon.kz/kazakhstan/213154-prokuraturaji-zko-provedeno.html> да.

Браконьерлик ва нолегал савдонинг олдини олиш ҳоллари

Устюрт популяцияси

2011 й январ - Ўзбекистон

“Арсенал” операцияси доирасида ИИБ ходимлари томонидан Жаслик поселкаси яшовчиларидан рўйхатдан ўтказилмаган 2-та сойлик ов милитиғи олиб қўйилди. Қонунбузарлик далили бўйича “ноқонуний қурул сақлаш” 243-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди, суд қарори билан айбланувчиларга жарима солинди. Шунингдек маҳаллий аҳоли ўз ихтиёри билан 4та рўйхатдан ўтказилмаган қурул топширди.

Жаслик ИИБ ва Ихтисослаштирилган амударё инспекциясининг ходимлари томонидан ўтказилган рейд натижасида 8та рўйхатдан ўлмаган мотоцикл мусодара қилинди.

2011 й. июн – Қозоғистон

Ички ишлар линия бўлимининг ходимлари томонидан Атирау станциясида “Саратов-Тошкент” пассажир поездининг вағонида, 62 сайғоқ шохини олиб кетмоқчи бўлган, ЎЗР Самарқанд вилоятида яшовчи 33-ёшли эркак ушлаб қолинди. Шохлар олиб қўйилди, текширув кетмоқда.

Батафсил <http://news.gazeta.kz/art.asp?aid=342637> да.

Ушбу далил бўйича “Ноқонуний ов” ҚР ЖК 288-моддаси бўйича жиноий иш кўзғатиш масаласи кўрилмоқда, айбланувчилардан кетиб қолмаслик тўғрисида тилхат олинди.

Батафсил <http://inform.kz/rus/article/2363159> да.

2011 й. 5 май

Костанай области овчилик ва ўрмончилик хўжалиги инспекциясининг ходимлари томонидан, сайғокни учта джипда овлаётган браконьерлар тўхтатиб қолинди. Ушбу далил бўйича тергов кетяпти. 2010 й. Костанай областида браконьерлар қўлидан 225 сайғоқ ҳалок бўлгани тўғрисида хабар берилди.

Батафсил <http://vesti.kz/society/84621> да.

Шимолий-ғарбий Каспий олди популяцияси

2011 й. 23 апрел

Астрахан области хуудидида Яшқўл районида яшовчи 49-ёшли эркак тўхтатиб қолинди.

Мақолалар

Қалмоғистонда Сайғоқ йили: Асосий яқунлар ва истиқболлар

В.Н.Мирошниченко

Қалмоғистон Республикаси табиий ресурслар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва энергетикани ривожлантириш вазирлиги, v.miroshnichenko@rk08.ru

Республика раҳбарининг Қарори билан 2010 йил Қалмоғистонда Сайғоқ йили деб эълон қилинди. Қадимий мамонт фаунасининг вакили бўлган ушбу турни сақлаш муаммоси биохилма-хилликни сақлаш билан шуғулланаётган маҳаллий экологларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Сўнгги йилларда сайғоқ сони сезиларли даражада камайди, 1997 й. – 270 минг зотдан жорий ўн йилликнинг бошида 14-16 минг зотгача. Эксперт баҳолашлар ва 2009 й. ФГУ “Марказовназорат” мутахассилари Қалмоғистон Республикаси табиий ресурслар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва энергетикани ривожлантириш вазирлиги(Табвазирлиги)нинг мутахассилари билан биргаликда ўтказган ҳисобга олишининг натижалари бўйича ўхшаш кўрсаткич 8-10 минг зотни ташкил қилди.

Қалмоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2009 й. 15 декабрдаги 377-сонли Фармойиши билан Сайғоқ йилини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Маъсул ижрочилар орасида: республика давлат ҳокимияти органлари, федерал давлат ташкилотлари, илмий-тадқиқот жамоалари ва таълим муассасалари.

Организмларни “in-situ” (табиий яшаш муҳитида) сақлаш Россия биохилма-хиллигини сақлаш Миллий Стратегиясининг устувор йўналиши бўлишини ҳисобга олган ҳолда, сайғоқларни, уларнинг яшаш жойларида муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларга кўпроқ эътибор қаратилди. Бунинг учун ҚР Табвазирлиги қошида, асосан “ШеллНефтегазДевелопментIII” МЧЖ ҳомийлик кўмаги ҳисобидан молиялаштирилладиган сайғоқларни муҳофаза қилиш бўйича ихтисослаштирилган бўлим тузилди. Областда ҳайвонот олами объектларини муҳофазаси

У ўзининг автомашинасида иккита сайғоқ танасини олиб кетаётган эди. Қўлга туширилган шахс ноқонуний овдан кейин сайғоқ гўштини Астраханга олиб кетаётганида иқроп бўлди. Йирик пулли жаримадан ташқари у “Жиноий йўл билан мулкка эга бўлиш” моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Батафсил

http://www.elista.org/index.php?option=com_content&view=article&id=11290:2011-04-25-12-14-35&catid=1:latest-news&Itemid=2 да.

Мўғулистон

Гоби-Олтой аймағи (Баян-ул райони) хуудидида 5 сайғоқни ноқонуний овлагани учун, ўтган йилнинг ноябр ойида апелляция суди айбдорларга 4 миллион мўғул тугрики миқдоридида жарима солиш ва бир ярим йил камоқ жазоси бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Г.Виноградова сурати



Янги туғилган сайғоқча

соҳасида қонунчиликнинг бажарилишини назорат қилиш учун ҚР Табвазирлиги инспекторлари томонидан Республика районлари бўйича мунтазам равишда рейдлар ўтказилган. 2010 йилда 63та рейд ўтказилди, улар давомида овчилик қонунчилиги бузилишининг 10та ҳолати белгиланди. РФ ЖК 258-моддаси (ноқонуний ов) бўйича 7та жиноий иш кўзғатилди ва 19та сайғоқни ноқонуний овлаган 3 киши жиноий жавобгарликка тортилди.

ҚР Табвазирлиги ходимлари сайғоқни муҳофаза қилиш бўйича рейдларини амалга оширганларида маҳаллий аҳоли билан суҳбатлар ва тарғибот ишларини олиб борадилар. Бироқ, Республиканинг сайғоқ яшайдиган, шарқий районларида браконьерлик даражаси ҳали ҳам юқори.

Асосий сабаб – иқтисодий ўзгарувчанлик, ишсизлик ва текин даромад кетидан қувлаш. Бунда Республика ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва табиатни муҳофаза қилувчи тизимлари оператив-қидирув ва инфор­мацион-профилактик ишларининг даражаси етарлича юқори эмас.

2010 йилда сайғоқ популяциясини муҳофаза қилиш ва тиклаш масалаларида манфаатдор тарафлар орасида ҳамкорликни фаоллаштиришга йўналтирилган муассасаларо комиссия ва гуруҳлар тузилди (ФГУ “Марказовназорат”, “Черные земли” Давлат табиат биосфера кўриқхонаси, ГУ “Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази”, Қалмиқ давлат университети, Арид ҳудудларни комплекс текшириш институти).

ҚР Ёввойи ҳайвонлар марказининг ходимлари сайғоқ биологияси бўйича тадқиқотлар олиб борадилар ва ҳайвонларни во­леларларда кўпайтириш ва боқиш технологияларини ишлаб чиқадилар. Ҳайвонларнинг табиатда қирилиш ҳолатида, айнан питомник ва ҳайвонот боғлари популяция генофондининг ягона сақланадиган жойи бўлиб қолишига қарамай, маблағларнинг йўқлиги Марказнинг ушбу йўналишдаги ишларига тўсқинлик қилмоқда.

Бутун Сайғоқ йили давомида Республикада сайғоқ ҳимоясига бағишланган оммавий тадбирлар ўтказилди. Хусусан, ҚР Таълим, маданият ва фан вазирлиги томонидан куйидагилар ўтказилди: ёшлар экологик форуми; инновацион лойиҳалар кўргазмаси; болалар чизган расмлар танлови; “Сайғоқ ҳақида кўшик” фестивали ва бир қатор бошқа тадбирлар.

Сайғоқ биологияси ва экологияси бўйича илмий тадқиқотларни жадаллаштириш бўйича кўйилган вазифалар ечилмай қолди. Аввалом бор, Республикада сайғоқни ҳисобга олиш ва мониторинги хизматини ташкил этиш зарур, бунинг учун турли тизимлар, жумладан Федерал лойиҳа ва илмий ташкилотларни жалб этиш жуда зарурдир.

Сайғоқ йилининг якуналарини яшаш бўйича Муассасаларо йиғилишнинг қарорида сайғоқ сонини бутун ареалида тиклаш бўйича чоралар тўғрисида Хитой, Қозоғистон, Ўзбекистон, ва Туркменистон билан халқаро битим ишлаб чиқиш ва имзолаш таклифи билан Россия Федерацияси Ҳукумати­га мурожаат қилиш зарурлиги белгиланган. Россиядан сайғоқ шохларини олиб чиқишнинг олдини олиш бўйича чораларни кучайтириш илтимоси билан Федерал божхона хизматига мурожаат қилиш. Қалмоғистон Республикаси Халқ Хурали (Парламенти)га қонунчилик ташаббуси тартибида, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга, ноқонуний сайғоқ ови учун жазони қатъий қилиш кўзда тутилган, кўшимчалар киритиш имкониятларини кўриб чиқиш таклифи билан федерал кенга­шнинг Давлат думасига мурожаат қилиш тавсия этиш.

Россияда сайғоқ популяциясини сақлаш фақат экологик муаммо бўлиб қолмай, балки ижтимоий-иқтисодий муаммодир, уни давлат ҳокимлигининг барча поғоналарида турли усуллар билан ечиш зарурдир. Фақат шундагина, келажак авлод ҳам Шимолий-Ғарбий Каспий олди ковул чўл­ларида ушбу ноёб антилопанинг кўп сонли подалари билан завқлана олишини кафолатлаш мумкин.

Буюк кўллар ҳавзасида сайғоқни сақлаш бўйича лойиҳанинг ютуқлари, Ғарбий Мўғулистон

Б. Чимеддорж

WWF Мўғулистон, chimeddorj@wwf.mn

WWF Мўғулистон Мўғулистоннинг Олтой-Саянск экорегионида сайғоқни сақлаш бўйича лойиҳани қўллаб-қувватлагани учун МАВА фондига миннатдорчилигини билдиради. Лойиҳанинг узоқ муддатли мақсади: Буюк кўллар ҳавзасида мўғул сайғоғи сонини сақлаб туриш ва тиклаш, ҳамда ушбу ҳайвоннинг олдинги яшаш жойларини киритиш ҳисобига ареалини кенгайтириш. Охи­рги вақтда ушбу турнинг ахволи анча яхшиланди, сони эса 8000 зотгача кўпайди. Бу 2007-2010 йй. қонунни қўллаш соҳасида муҳофазанинг жиддий ва самарали чоралари, сайғоқ ва унинг яшаш жойларига юкланишни камай­тириш йўли билан маҳаллий аҳолининг ёрдам­ини жалб этиш ва қорамолдан бўш бўлган ерларни ташкил этиш туфайли содир бўлди.

Сайғоқнинг бутун ареалида маҳаллий жамоалар вакиллари таркибидан кўнгилли инспекторлар тармоғи ва браконьерлик билан курашиш бўйича мобил гуруҳ ишлаётгани тўғрисида мамнуният билан маълум қиламиз. Сайғоқ сонининг пасайиши тўхтатилди ва у ўсишни бошлади.

Яйлов ва очик сув манбалари ёнида сайғоқ ва қорамол орасида рақобатни камай­тириш мақса­дида, сайғоқни сақлашга аҳамиятли кўмак бўлиб қолган, яйловларни экологик бошқарувини жорий этиш йўли билан, сайғоқнинг энг муҳим яшаш жойларида жамоа чўпонларининг гуруҳлари ташкил этилди.

Чўпонларнинг биринчи жамоалари 2009 й. кеч баҳор ва ёз(кўзилаш даври)да яйловларни ёввойи ҳайвонлар учун бўшатиб беришга рози бўлдилар. Ушбу чоранинг афзаллиги кузда қайтиб келинганда равшан бўлди - қорамолни қишда ўтлатиш учун яйлов аъло даражада эди. Натижада, 2009-2010 йй. қаҳратон қишига қарамай, қорамолнинг нобуд бўлиши нолга келтирилди.

Ерларнинг бошқаруви ва муҳофазасининг яхшиланиши жайрон, майда сут эмизувчилар ва йирткич қушлар каби бошқа турлар популяцияларига ҳам, улар сонининг кўпайишида акс этиб, фойда келтирди. Шаргин Гоби­га дзереннинг қайтиши – ушбу лойиҳанинг ажойиб ҳамроҳ бўлган ютуқларидан бири.

Лойиҳа экологик таълимга аҳамиятли хисса киритди. Тегишли тайёр­гарликдан ўтган инспектор ва маҳаллий ўқитувчилар кўма­гида, бутун лойиҳа ҳудудида ёшлар клублари ишламоқда. Мактаб ва ёшларнинг жалб этилиши сайғоқни сақлаш тўғрисидаги ғояни чўпонлар оилалари орасида тарқатишга ва маҳаллий аҳолининг ёрдам­ини олишга ёрдам берди.

“Авиаҳисобга олиш – Мўғулистонда йирик сут эмизувчиларни сақлашга янги ёндашиш” номли лойиҳа сайғоқ мисолида тан олинган халқаро усуллардан фойдаланиб, Мўғулистонда илк бор муваффақиятли ўтказилди.

Ушбу авиаҳисобга олишнинг натижаси ва методикаси (8016 зот 40% ишончилилик даражаси билан) сайғоқ бўйича мўғул ва халқаро экспертлар томонидан қабул қилинди. Ушбу натижалар асосида популяциянинг кейинги мониторинги учун ерда ҳисобга олишлар методикаси ишлаб чиқилади.

Ушбу ютуқлар, лойиҳа сайғоқ популяцияси сонининг мустаҳкамланиши ва тикланишига аҳамиятли ҳисса қўшганини кўрсатади. Кейинги уч йилга мавжуд бўлган молиявий кўмак билан ушбу лойиҳа давом этади, бу Буюк қўллар хавзасида сайғоқ популяциясининг турғун ўсишига, ҳамда унинг олдинги яшаш жойларига тарқалишига олиб келади. Лойиҳанинг 2-Фазаси, эътиборни куйидагиларга қаратиб, 1-Фазанинг бажарилишида бошланган фаолиятни кенгайтиришга қаратилади:

- Браконьерликка барҳам беришга йўналтирилган, ҳуқуқни ҳимоялаш ва бошқа фаолият, жумладан энг муҳим ҳуқуқат муассасаларида табиатни муҳофазалаш фаолиятига жалб этилган инспекторлар ва ходимларнинг кучини мустаҳкамлаш фаолиятини амалга оширишни давом эттириш.

- Сайғоқларнинг, кўзилаш жойи каби, энг муҳим яшаш жойларида чўпонлар жамоалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўли билан, уй ва ёввойи ҳайвонлар учун қабул қилса бўладиган яйловлар бошқарувини ўрнатиш.

- Ерларни барқарор бошқарувига алоҳида эътибор билан лойиҳанинг қувватланишини сақлаб қолиш ва кучайтириш учун ўсиб келаётган авлод ва қишлоқ аҳолисини ўқитиш ва уларнинг хабардорлигини ошириш.

Бунинг барчаси ерларга бўлган юкланишнинг камайишига олиб келади ва ушбу лойиҳада асосий инновацион ёндашиш бўлган, фавқулодда ҳолатларда резерв яйловларни ўрнатиш орқали, қорамолдан бўш бўлган яйловларни ташкил этилишига ёрдам беради. 2-Фаза 2013 й. охирига Шаргин ва Хуйсин Гобида сайғоқ сонининг 2010 й. нисбатан 30%га ўсишига мўлжалланган.

Ушбу мақсад, ҳозирги кунга эришилган ютуқ – мўғул сайғоғи популяцияси сонининг пасайишини орқага қайтариш, сайғоқ учун муҳим бўлган яшаш жойларини чўпонлар жамоалари томонидан яхшиланиб ва кенгайтириб мустаҳкамланиши йўли билан бажарилади. 2-Фаза Мўғулистон WWF томонидан Ховдада бажарилади. Миллий даражада Мўғулистон WWF асосий манфаатдор тарафлар, жумладан Мўғулистон атроф муҳит ва туризм вазирлиги, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фанлар Академияси, WCS ва жойлардаги раҳбарият вакилларида иборат бўлган консултатив кенгашни таъсис қилади. Бу лойиҳанинг самарали бошқаруви, мувофиқлаштирилишини ва унга сиёсий кўмакни таъминлайди.

2010 йилда "Степной" заказнигига самарали ташриф

Д., Тиль К. Тиль-Эгентер

Балиқ ва овчилик ресурслари департаменти, СИС Швейцария бўлими, dominik.thiel@ag.ch

Астрахандан жануби-шарқда жойлашган "Степной" заказнигининг чексиз чўлларидаги май оқшоми. Ҳавода тўрғай қўшиқлари янграмоқда, шамол эсишидан ковил уммондаги тўлқинлар каби тебранмоқда. Дурбинларимиз уфқни шимолдан жанубга кузатмоқда, ортимизда ёрқин-сарик қуёш гардиши ярқираб турибди. "Степной" заказнигининг директори Анатолий Хлуднев, сукунатни бузади: "Мана улар!". Ва ҳақиқатдан уфқда уммонни кесиб ўтаётган кемалар каби, оч-жигар ранг шарпалар кўринди. Улар ҳаммаси битта арқон билан боғлангандек бир йўналишида шошиб кетар эди. Сайғоқлар, бизнинг илк ёввойи сайғоқларимиз. Кейинги кунлар давомида, чўлда лагер қуриб, биз ҳар кун сайғоқларни кузатдик. Бироқ атиги бир неча йил аввалгидек энди катта тўдалар учрамайди.

2010 й. май ойидаги сафаримиз мақсади сайғоқни сақлаш бўйича чора-тадбирлар билан танишиш ва уларни сақлаш учун масъул бўлган маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашиш учун "Степной" заказнигига ташриф буюриш эди. Биз инсон ва сайғоқларнинг ўзаро муносабати, бу жониворларни сақлаш бўйича ҳаракатларнинг самаралилиги ва заказник ходимларининг жиҳозланганлиги тўғрисида кўпроқ билмоқчи эдик.

800 км² майдонни эгаллайдиган заказник, 2000 й. Қалмоғистон Республикасининг чегарасида Шимоли-Ғарбий Каспий олдида яратилган. У Астрахан областининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Энг яқин аҳоли пункти заказникнинг шарқий чегарасидан



"Степной" заказнигининг директори Анатолий Хлуднев 2010 й. май ойида кичик сайғоқлар тўдасини кузатмоқда

80 км да жойлашган Лиман поселкаси ҳисобланади. Сайғоқларнинг маҳаллий популяцияси 1980 й. 380000 бошдан 2010 й. ўртасида 12000 бошгача қисқарди. Яқиндаги кузатув натижаларига кўра тирик қолган сайғоқлар сони 8000 зотдан камайган. Яшаш жойларнинг чўлланишидан ташқари, браконьерлик сайғоқлар яшовчанлигига асосий хавф туғдиради. Учта эркак сайғоқ шохининг нархи бир ойлик иш ҳақига тенг. Бу минтақада ишсизлик даражаси юқори; ўз-ўзини таъминлаш кенг тарқалган, яхши маош ва келажакка эса фақат шаҳарлар эга. Шунинг учун кўпчилик қишлоқ ёшлари учун ягона ишонч бўлган браконьерлик пресси

баландлиги ажабланарли эмас.

Анатолий Хлуднев, унинг ходимлари ва бошқа маҳаллий аҳоли билан кўплаб самарали суҳбатларимиз табиий шароитларда маҳаллий сайғок популяциясини сақлашдаги қийинчиликларга кўзимизни очди. Оқар сув, соя берувчи дарахт, ёки иморатларсиз чўлдаги ҳаёт тажрибамиз, "Степной" заказнигининг муаммоларини англашга ёрдам берди. Сафарларимиз вақтида "Степной" заказнигининг директор Анатолий Хлуднев раҳбарлигидаги бир мақсадга интилувчан ва иноқ егерлар гуруҳи каби гуруҳни бошқа ҳеч қачон ҳеч қаерда учратмадик. Унинг фаолияти Сайғокни сақлаш бўйича альянс кичик грантлар дастури мукофоти билан тақдирланиб, сўнг СИС швейцария делегацияси (Овланадиган ёввойи қуш ва ёввойи табиатни сақлаш бўйича халқаро кенгаш) томонидан моливий кўмак кўрсатилди.

Браконьерликка қарши курашни давом эттириш имконига эга бўлиш учун Анатолий гуруҳига етарли ҳажмда ёқилғи олиш ва егерларга маош тўлаш учун маблағ керак. Уларнинг кундалик меҳнатисиз



"Степной" заказнигида инспекторлар гуруҳи, Астрахан области, директор Анатолий Хлуднев бошчилигида (ўнгдан учинчи)

сайғоклар бутунлай нобуд бўлади, ва бу гўзал чўллар ўзига ҳос бўлган ва ажойиб ҳайвонни йўқотади. Шунинг учун кейинчалик ҳам сайғокни сақлаш бўйича Альянснинг кичик грантлар дастурига ўхшаш ташки моливий ёрдам зарур.

Биз чўлни, сайғокларни янгидан кашф қилганимиз ва сайғокни сақлаш бўйича лойиҳамизни муваффақиятли намоиш этганимиз учун Анатолий ва унинг ходимларига миннатдорчилигимизни билдираимиз!


Шимоли-Ғарбий Каспий олдида 2011 й. баҳорги сайғок мониторингининг дастлаб натижалари

С.В.Сидоров

«Марказовназорат» ФГУ, in_for_sidorov@list.ru

2011 й. 21 апрелда Россия Федерацияси Табиий ресурслар ва экология Вазирлигининг Ов ва овчилик ресурсларини сақлаш соҳасида давлат сиёсати ва бошқаруви Департаменти директори А.Е.Берсенев раҳбарлигида турли идоралар (Россия Табиат кўмитаси, Қалмоғистон Республикаси Табиат кўмитаси, «Марказовназорат» ФГУ, «Черные земли» ФГУ ГПБЗ)нинг ўзаро ҳамкорлиги ва Шимоли-Ғарбий Каспий олдида сайғок популяцияси ҳолатини баҳолаш учун ишларни ташкиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда қабул қилинган қарорларга мувофиқ ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди, ҚР Табиат кўмитаси (Ю.Б.Каминов) умумий раҳбарлиги; ҚР Табиат кўмитаси ва «Черные земли» ФГУ ГПБЗ (В.Л.-Г.Дорджиев ва Б.С.Убушаев) тезкор раҳбарлиги ҳамда «Марказовназорат» ФГУ (С.В.Сидоров) услубий раҳбарлигида сайғок популяциясини текшириш бўйича тадбирлар аниқланди. Текширишнинг асосий вазифалари популяциянинг миқдорий баҳосини олиш ва туғилгандан сўнг биринчи кунларда кўзиларнинг яшовчанлигини аниқлаш эди.

Кўзиларнинг ялпи туғилиши бошланишига сайғоклар «Черные земли» заповеднигининг шимолий қисмидаги худудни ва Элиста ш.-Астрахан ш. автотрассасидан жануброқдаги



Харита.

2011 й. кўзилайдиган сайғоклар тўдасининг жойлашуви (яшил контур)

чўл участкасини эгаллади. Кўзилайдиган урғочилар тўдаси тахминан 2009 - 2010 йиллардаги жойда, XX а. 80-чи йиллар охирида ялпи кўзилаш жойига яқинда жойлашган. 2011 й. кўзилайдиган тўда йиғилган майдон 50 км² дан кўпроқни ташкил қилиб (харитага қар.), 2008 й. майдаги тўпланиш майдонининг ўлчамларига мос эди. Сайғоқларнинг ялпи туғилиши 12 майдан бошланиб, бу 7-10 майда мўл ёғинлар тўхташига тўғри келди. Ялпи кўзилаш 16 майда тугади. Ялпи кўзилаш муддатлари «Марказовназорат» ФГУ ходимлари томонидан сайғоқ популяциясини қишки текшириш (декабр 2010 й.) натижалари асосида қилинган прогнозидан бироз фарқ қилди (8-9 майда кутилган). Ялпи кўзилаш фактининг ўзи 2010 й. кишда кўпайиш даврида популяцияда етилган эркак сайғоқлар (10% гача куйикиш бошида ва 5% гача ўртасида) кўпайиш учун етарли деган маълумотимизнинг объективлигини тасдиқлади.

Ер усти текшириш гуруҳи 5 кун давомида (12-16 май) туғилиш ва туғилгандан сўнг биринчи кунларда кўзиларнинг яшовчанлигини баҳолаш мақсадида бажарувчилар 3 жуфтлик бўлиб ҳар кунги яёв чиқишларни бажарди. Бу ишлар урғочиларнинг кўпроқ тўпланиш жойларида «Марказовназорат» ФГУ томонидан ишлатиладиган услубият бўйича ўтказилди. Маршрутнинг умумий узунлиги чамаси 100 кмни ташкил қилди, 240та янги туғилган (тирик ва нобуд бўлган) сайғоқлар ҳисобга олинди. Кўзилар ўлими 4,2%ни ташкил қилиб, бу 2009 ва 2010 йй. кўзилаш давридаги шу кўрсаткичдан 2 ва ундан кўп баравар паст. Ялпи кўзилаш вақтида, қисқа муддатли ёмғирларга қарамадан, об-ҳаво шароитлари нисбатан яхши эди, хусусан, ҳаво ҳароратининг аҳамиятли даражада пасайиши кузатилмади, бу, чамаси, кўпроқ кўзиларнинг яхши яшовчанлиги сабабларидан бири бўлган.

Популяцияни миқдор жиҳатдан баҳолаш мақсадида авиа ҳисобга олиш гуруҳи томонидан илк бор пилотсиз учиш аппарати (БПЛА)ни ишлатиш бўйича экспериментал ишлар ўтказилди. БПЛАда унинг ёрдамида 363 м кенликдаги ҳисобга олиш полосасида чамаси 40 км² майдонда 4000дан ортиқ сурат олинган, Canon EOS-550 фотоаппарати ўрнатилган эди.

Аэрофотосъёмканинг максимал баландлик режими 600 метргачани ташкил қилди, бунда олинган суратлар сифатини яхши деб баҳолаш мумкин.

Сайғоқлар сонини аниқлаш учун (кўзиларсиз) 17 майда кўзилайдиган тўда периметри бўйича ер усти визуал ҳисобга олишга киришилди. Сайғоқлар сони (1 ёшдан катта) кўзилайдиган тўдада эксперт баҳолаш маълумотларига кўра камида 4 минг зотни ташкил қилди; экстраполяциядан сўнг, тадқиқ қилинмаган тўда марказидаги майдонни қўшган ҳолда, – 6 мингта зотгача. Тўдадан четда юрган якка урғочи ва эркак сайғоқлар, шунингдек кўзилайдиган тўдага кирмаган алоҳида гуруҳларни ҳисобга олганда, уларнинг умумий сони тахминан 7 минг зотни ташкил қилди. Кўрсатилган баҳога эҳтиёткорлик билан қараш керак, чунки у тахминий ва фақат давом этаётган сон депрессиясини тасдиқлайди.



В. Бодмасев сурати

БПЛАни ишга тайёрлаш

Шундай қилиб, Шимоли-Ғарбий Каспий олди сайғоқ популяциясининг сон депрессияси ҳолати давом этмоқда. Популяция параметрларининг сифат жиҳатдан ёмонлашиш белгилари (кўпайиш потенциалининг пасайиши, етуклик структурасининг аҳамиятли даражада ўзгариши) аниқланмаган. 2011 й. бўлган ялпи кўзилаш куйикиш даврида етилган эркак сайғоқлар, эҳтимол оптимал улушдан камроқ бўлса ҳам, кўпайиш учун етарли бўлганини тасдиқлайди.

Сайғоқ сонининг сақланиб келаётган депрессияси йил давомида ўлим кўп бўлиши билан боғлиқ. Ўлимни камайтириш мақсадида (2011 й. янги туғилган сайғоқларнинг яхши яшовчанлигини эътиборга олиб) Шимоли-Ғарбий Каспий олдида бўрилар сонини қискартириш (ООПТда унинг сонини бошқаришни қўшган ҳолда), браконьерликдан етказилаётган зарарни камайтириш бўйича уринишларни фаоллаштириш, шунингдек 2011 й. ёзда ўсимликлар мўллигидан юзага келиши мумкин бўлган табиий ёғинларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш тавсия этилади.



ФГУ «Центроэкоконтроль» сурати

Кўзилайдиган тўда участкасининг аэрофотосурати

Бетпақдала популяцияси сайғоқларини ҳисобга олиш учун тепловизор ва визуал-инструментал авиасъемкалар апробацияси

А.Салемгареев

Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСБК), albert.salemgareev@acbk.kz

Ҳозирги вақтда АСБК «Овзоосаноат» РГП ва ҚР МСХ ўрмон ва овчилик хўжалиги қўмитаси билан биргаликда тур сони ва биолог-экологик тавсифлари тўғрисида аниқроқ ахборот олиш мақсадида сайғоқлар авиаҳисобини ўтказиш ва маълумотларни қайта ишлаш услубиятини такомиллаштириш ишларини тугатмоқда. Бунинг учун Қўмита ҳисобга олиш ишларини ўтказиш учун Ан-2 самолети бортидан тепловизор сьемкадан фойдаланиш бўйича ишлар тажрибасини ўтказиш ташаббускори бўлди. Ушбу усул денгиз сўт эмизувчиларининг жойлашуви ва сонини баҳолаш учун 12 йил давомида Россияда муваффақиятли қўлланмоқда (SN-8 қар.).

2011 й. апрелда Қозоғистонда чўл экотизимларини сақлаш бўйича ПРООН/ГЭФ лойиҳаси доирасида бетпақдала сайғоқ популяциясини ҳисобга олиш вақтида FLIR 325 тепловизор апробацияси учун экспериментал училар ўтказилди. Ишларни бажариш учун Ан-2 самолет автоматлаштирилган ахборот йиғиш борт тизими ва махсус жиҳозлар комплекси: фото ва видео-аппаратура, FLIR 325 тепловизорларни ўз ичига олган махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозланган эди. Иш Северцов ном. РФА ФА. Экология ва эволюция муаммолари институти томонидан АСБК ходимлари билан биргаликда ўтказилди.



Сайғоқлар тепловизор сьемкасининг натижалари куйидагиларни кўрсатди:

- Экспериментал авиасъемка ўтказилган вақтда олинган ИК тасвирларда сайғоқлар иссиқлик контрасти ҳар хил бўлган. Эрталаб (9 дан 11 гача), ер юзаси қуёшдан исимаганда, сайғоқлар иссиқлик контрасти ерга нисбатан 3° - 5° га етиб, ҳайвонларни ИК тасвирларда яхши идентификациялаш мумкин бўлган. Қуёшдан исиниши билан сайғоқларни ИК тасвирларда ажратиш қийинлашиб, тушдан кейин иссиқлик сьемкаси (апрелда) самаралироқ бўлади (1-3-расм).

- Тепловизор сезгирлиги ва фазовий ечим 120 м баландликда тўдада алоҳида сайғоқларни рўйхатга олишга имкон беради. Катта баландликда самарадорлик пасаяди (4-5-расм).

Шундай қилиб, сайғоқлар тепловизор авиасъемкаси мос об-ҳаво шароитларида (қуёшдан исиниш, ёғинлар мавжуд эмаслигида, шамол тезлиги эса ерга яқинда 8 м/сек дан ошмаслиги керак) ва оптимал (120 м гача) баландликларда самарали қўлланиши мумкин. Эҳтимол, бундай сьемка самараси қиш даврида, сайғоқлар иссиқлик контрасти совуқ юзага нисбатан юқори бўлганда яхшироқ бўлар (масалан, муздаги тюленларники каби). Бироқ бу тахмин тасдиқни талаб қилади. Умуман олганда, бу усулнинг баҳор даврида ишлатилиши мақсадга номувофиқдир.

Ан-2 бортидан қилинган сайғоқлар фото ва видео сьемкаси яхши натижалар берди (1-5-расм). Сайғоқлар фотосъемкаси бажарилган баландликлар 100 дан 200 м гача диапазонда жойлашган. Олинган суратларда тўдадаги сайғоқларни яхши ажратиш ва санаш мумкин.



1-3-расм.



Сутканинг турли вақтида олинган сайғоқлар гуруҳининг комбинацияланган суратлари (вақт суратнинг юқори чап бурчагида кўрсатилган). Парвоз баландлиги 120 м

Суратлар сифати хатто урғочи ва эркакларни идентификациялашга имкон беради. Бу фотосуратлардаги жойга оид ечим 2-4 см ни ташкил қилди. Видеосъемка кўмакчи характерга эга. Унинг қўлланиши жўшқин ривожланадиган сахналарни қайд қилишга имкон беради: сайғоқларнинг ўзини ноодатий тутиши, уларга турли омиллар (масалан, браконьерлар)нинг таъсири. Шундай қилиб, сайғоқларни авиаҳисобга олишни бажариш учун Институт мутахассислари томонидан ўз ичига қуйдагиларни визуал-инструментал усул тавсия этилган эди:

- Икки парвоз баландлигига тенг ҳисобга олиш полосасининг кенглигини аниқлашга имкон берадиган учта қайдлаб ўрнатилган Nikon D300s фотокамераларда фотосъемка. Бунда юқори аниқлик билан ҳисобга олиш полосасининг кенглиги (парвоз баландлиги бўйича), фотосъемка масштаби, сайғоқларни парвоз линиясидан йўқотиш назорат қилинади.

- Иккала самолёт бортидан сайғоқларнинг парвоз линиясидан узоклашишини ўлчаб, визуал кузатиш.

- Самолёт координатлари, парвоз баландлиги, аудио, фото ва визуал ахборотни ҳамда содир бўлаётган воқеалар вақтини аниқ қайд қилиш.



4-5-сурат.

Турли баландликда (4-сурат - баландлик 180 м; 5-сурат - баландлик 200 м) олинган сайғоқлар гуруҳининг комбинацияланган суратлари

Баскунчак кўли атрофидаги сайғоқ

П.Н.Амосов

«Богдинск-Баскунчак» Давлат табиат заповедниги, Россия; pavel-amosov@yandex.ru

Баскунчак кўли атрофида яшайдиган сайғоқлар, асосий қисми Қозоғистон ҳудудида яшайдиган Волга-Урал популяциясига мансуб. Бу ҳудуд Волга дарёси чап қирғоғидаги Каспий олди пасттекислигининг шимолий қисмида жойлашиб, Каспий олди яримқўл зонасига қиради. Бу ерда Богдинск-Баскунчак заповедниги ва шу номли заказник яратилган.

Баскунчак кўлининг шарқ соҳили бўйлаб Ғарбий Қозоғистон ҳудудидан бу ерга келадиган сайғоқларнинг анъанавий миграцион йўллари ўтади. Сўнгги ўн йилликда сайғоқ бу ерда ноёб турга айланди. Бироқ аввал Баскунчак кўлининг атрофида сайғоқлар сони деярли кўп бўлган. Маҳаллий овчиларнинг хабарига кўра, 1992 й. баҳорда кўлнинг шарқ соҳили бўйлаб кўчаётган туёқлилар сони чамаси 50 минг бошни ташкил қилган. 1994 й. баҳорда бу ерда сайғоқларнинг Астрахан области ҳудудидаги ягона ялпи кўзилаш жойи жойлашган. Кейинги йилларда тур сони кескин камая бошлади, ва бу ҳудудда фақат кичик тўдалар ва яқка зотлар кузатилган. Масалан, 2001 й. июлда бу ерда 11, 10, 6 ва 5 ҳайвон учрагани қайд қилинган (харитага қар.). Битта сайғоқ 2003 й. май ва 2004 й. апрел ойида кузатилган, 2004 й. июл ойида эса ўша ернинг ўзида излар қайд қилинган. 2005 – 2006 йй. заповедник ва заказник ҳудудида сайғоқ кузатилмаган, 2007 – 2008 йй. заповедникнинг илмий бўлимида мутахассислар йўқлиги сабабли кузатувлар ўтказилмаган.

Сайғоқларни кузатиш 2009 й. қайта бошланиб, июлда 2-3 жониворнинг изи топилган. 2010 й. июндан сентябргача сайғоқлар кузатуви ўтказилди. Июнда 7 зот, июлда кўп сонли излар, августда ҳар бири чамаси 8 зотдан иборат икки кичик сайғоқлар тўдаси, сентябрда кўплаб излар кузатилган. 2011 й. январ – февралда битта катта эркак сайғоқни кўриш бахтига эга бўлдик.

Ҳудудга алоҳида қўриқлаш мақоми берилишига қарамадан, биотани сақлаш муаммолари қолди. Молиялаш етарлича бўлмаганлиги туфайли заповедник ва заказникда қўриқчи ходимлар штати қисқартирилган, юқори ўтиш қобилиятига эга транспорт воситалари етарли эмас. Патруллик қилиш учун заповедник ва заказник инспекторлари томонидан отлар деярли ишлатилмайди.

Илгари - Баскунчак атрофида заказник, сўнг заповедник ташкил қилингунга қадар, сайғоқни ваҳшийларча усуллар билан (вертолетдан овлаш, ҳайвонларни мотоциклларда қувлаш ва бошқ.) ноқонуний овлаш ҳоллари кўп бўлган. Сўнгги йилларда сайғоқни браконьерлик усулда овлаш тўғрисида маълумотлар йўқ. Бироқ маҳаллий аҳолининг хабарларига кўра Верхний Баскунчак поселкасида 2010 й. кузда, олдинги йилларда эса Ахтубинск ш. ҳам Қозоғистондан келтирилган сайғоқ гўшти яширин сотилган. Ахтубинск ш. чоп этиладиган «Прожектор»

газетасида, сайғоқ шохларини сотиб олиш тўғрисида эълон босилган эди. Барча бу фактлар Астрахан областида ҳам, қўшни Қозғистон ҳудудида ҳам нолегал овчилик мавжудлигидан далолат беради.


Ҳозир Баскунчак қўли атрофида сайғоқ деярли йўқ бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Аввалги даражагача сонни қайта тиклаш учун вақт ҳамда табиатни муҳофаза қилувчи ташкилот ва маҳаллий аҳолининг анча кучи зарур.

Сўнгги йилларда Ахтубинск районида ижтимоий-иқтисодий вазият мураккаблигича қолмоқда. Иқтисодий инқироз даврида ОАЖ «Руссоль» корхоналаридан бири жойлашган Нижний Баскунчак пос. туз казиб олувчи корхонадаги қисқартиришлар сабабли атрофдаги Волга олди темир йўл участкасидаги ва бошқ., поселка (Нижний ва Верхний Баскунчак)нинг кўплаб аҳолиси ишсиз қолди. Бу маҳаллий аҳоли томонидан ҳайвонларни, жумладан сайғоқни ноқонуний овлашга ундаши мумкин.

Бу даврда ёввойи ҳайвонларни ва умуман табиатни авайлашни тарғибот қилиш жуда муҳим. Сайғоқни сақлашни оптималлаштириш учун унинг Астрахан областининг Қизил китобига киритилиши ва бу турни ўрганиш ва сақлаш бўйича тадбирлар ўтказилиши фойдали.

Богдинск-Баскунчак давлат табиат заповеднигининг ходимлари турни сақлаш тарғиботи бўйича ўқув муассасаларида ва маҳаллий аҳоли ўртасида ишлар олиб бормоқда. Бироқ ҳозирча бундай иш маҳаллий бўлиб қолиб, район аҳолисининг чекланган сонини қамраб олапти, унинг самараси кам. Қозғистон Республикаси ҳудудида ўхшаш муассасалар билан Богдинск-Баскунчак заповедниги ва шу номдаги заказник асосида сайғоқни сақлаш ва ўрганиш бўйича махсус кўриқланадиган трансгегаравий ташкилот ўринли бўлар эди.

Иш Сайғоқни сақлаш бўйича альянснинг Кичик грантлар дастури доирасида бажарилган (2010-2011 йй.).



Харита.
2001-2004 йй. (1-3 областлар; 4-6 нукталар) ва 2010-2011 йй. (7-11 нукталар)да Баскунчак қўли атрофида сайғоқлар учраши

SWOT- Сайғоқни сақлаш бўйича альянс таҳлили

Кери Роадс

Лондон Имперал коллежи, cgrhoades@cheerful.com



1990-чи йиллардан табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ишининг ва инвесторлар томонидан бериладиган маблағлар оқилона сарфланишининг ижобий натижаларини кўрсатишига бўлган талаблар ортиб бормоқда.

Қашшоқлик билан курашиш каби, бошқа секторлардаги кўплаб хайрия ташкилотлари инвесторларга, уларнинг иши самара бераётганини ва ушбу хайрия ташкилоти фаолиятининг қайси томонларини яхшилаши кераклигини билишини кўрсатиш учун фаолият мониторингини баҳолаш инструментидан фойдаланади. Бироқ табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар бу соҳада орқада қолишти.

Табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар мониторинги ва баҳосининг фойдасини намойиш этиш

учун, Сайғоқни сақлаш бўйича альянснинг (АСС) SWOT-таҳлили бажарилди. SWOT-таҳлил¹ – бу тижоратда кенг қўлланадиган стратегик режалаштириш инструменти. АССда ишлаган одамлардан нималар АССнинг кучли ва заиф томонлари ҳисобланиши, шунингдек унинг ташқи имкониятлари ва хавфи тўғрисидаги саволномани тўлдириш сўралди.

Натижалар АССнинг кучли томони ахборотни *Saiga News* орқали тарқатиш имкони ҳамда сайғоқни сақлаш соҳасида ишлайдиган бошқа инсонлар билан муваффақиятли ҳамкорликни ўз ичига олган кенг илмий ва амалий тажрибани бирлаштирган раҳбарлик кўмитаси ва васийлар кенгаши эканини кўрсатди. Бу ҳамкорлик энг катта имконият ҳисобланган. АСС ҳамкорларга лойиҳаларни молиялаштириш, маҳаллий ва халқаро даражада уларнинг мақомини ошириш ва

¹ SWOT-таҳлил – қуйидаги критерийларга асосланадиган ҳодиса, вазият ва ҳ.к. тўғрисидаги ахборотни структуралаш ва кейинги таҳлил қилиш тизими: Strengths (устуналиклари, афзалликлари), Weaknesses (камчиликлари, нуқсонлари), Opportunities (имкониятлари) ва Threats (таҳлика, хавф). Бизнес-режалар тузиш ва дастлаб босқичларда қарор қабул қилиш учун ишлатилади.

сайғоқни сақлаш бўйича лойиҳаларда ҳамкорликни ташкил қилишда кўмаклашиш учун зўр имкониятларга эга. Ҳал қилиниши керак бўлган, энг муҳим устувор масалалар ҳисобланган молиялаш ва маъмурий кўллаб-қувватлаш етарли эмаслиги АСС учун чекловчи омиллар ҳисобланади. Бу заиф томонларни минималлаштиришга ёндашиш имконлари ўз навбатида АСС фаолиятига янги ҳомийларни жалб қилиб, уларнинг оммадаги мақомини оширадиган ва янги молиявий эҳсонларни жалб қиладиган маъмурий ишда ёрдам кўрсатиш ва донорлар учун бюллетен чиқариш учун волонтерларни жалб қилишдан иборат эди. АСС фаолияти учун энг катта хавф бу, аслида, ташкилий масалаларнинг ўзи эмас,

балки сайғоқларнинг ўзи учун, масалан, давом этаётган браконьерлик каби бўлган хавф-хатардир.

Тадқиқот SWOT-таҳлил АСС каби табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятини баҳолашда содда ва фойдали инструмент сифатида катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатди. Давом этаётган баҳолаш АССга беш йиллик режада кўрсатилган масалаларни ечишга ва "сайғоқни йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турларнинг бири сифатида жамоат манфаатларини кўзлаб, ҳимоя қилиш ва сақлаш, шунингдек аҳолини бу жониворларга ғамхўрлик қилиш руҳида тарбиялаш"дан иборат бўлган умумий мақсадга эришишга ёрдам беради.

Сайғоқ - ҳаётларининг иши

Ҳар қандай иш билан дилдан шуғулланиш керак – шунда натижа ҳам кўнгилдагидек бўлади

Тахририятдан: Бу сонда биз 2003 йилдан Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказида ишлайдиган, ҳайвонларни боқиб бўйича техник Аслан Байделдинов билан телефон орқали олинган интервьюни чоп этамиз .

Муҳ.: Аслан, сайғоқни сақлаш бўйича ишни қандай бошладингиз?

Аслан: Болалигимдан ҳайвонларни жуда яхши кўраман. Уйда биз ўрдак, ғоз, сигир, қўй боқар эдик, ва ота-онамиз бизни ҳайвонларга қарашда кундалик меҳнатга ўргатишди. Барча ҳайвонларимни "юзидан" ажратардим, барчасининг исмлари бор эди. Сайғоқларни эса илк бор бошланғич синфларда ўқиётганимда кўрдим. Ўшанда улар кўп эди, ва кўпинча поселкамиз ёнидан ўтиб кетарди. Уларни илк бор кўриб, бу ҳайвонларни, уларнинг югуриши ва тирик чўл хиссини бутун умрга эслаб қолдим. Шунинг учун, сайғоқ питомнигида ишлаш имкони туғилганда, мен бир дақиқа ҳам ўйланмадим. Ва айтишим керакки, менга омад кулиб боқди – мен нафақат ёқадиган иш билан шуғулланаман, балки питомнигимизга Россиядан, хориждан тез-тез келиб турадиган олим ва мутахассислар билан учрашиш имконига эгаман. Ва меҳмонлар питомник ишини юқори баҳолаганда, мен жуда қувонаман ва сайғоқлар учун кичик «бошпана»миз ишининг ютуқларига ҳисса қўшганимдан фахрланаман.

Муҳ.: Оддий кунингиз нимадан иборат?

Аслан: Менинг ишимда ҳеч қандай қахрамонлик йўқ. Одатда куним бир неча турдаги ишлардан ташкил топади. Куннинг биринчи ярми ва унинг охирида - сайғоқларга қараш, ҳайвонларни озиклантириш, вольерларни айланиб чиқиш. Сўнг хўжалик бўйича ишлар - пичан тайёрлаш, тўсиқларни таъмирлаш, вольерларни тозалаш ва ҳ.к. Куннинг иккинчи ярмида ёки кечга яқин одатда ташриф қилувчилар келади ва уларнинг келишига тайёрланиш керак. Одатда, агар мен бошқа иш билан машғул бўлмасам, вольерлар бўйлаб экскурсия ўтказиб, ўз ҳайвонларим тўғрисида гапиришни яхши кўраман.

Муҳ.: Бизга сайғоқ тўғрисида бирон бир қизик воқеа айтиб бера оласизми?



Н. Арсланова сурати

Етимлар «янги она» топди - Аслан ўз кичик жониворлари билан

Аслан: Ҳа, албатта. Ёдимда, ишимнинг бошида, Хар-Булуқ поселкасидаги биринчи вақтинча питомнигимиздан сайғоқларни олиб келганда, мен вольерларга сайғоқларга овқат бериш, тозалаш ва уларни кузатишга келиб, доим ўзимча бирон бир қўшиқни хиргойи қилардим. Сайғоқлар одатда ёнимда бўларди.

Мана бир мунча вақт ўтиб, хиргойи қилиб, анча ўсиб улгурган сайғоқлар олдиға кирдим, улар эса, чамаси, таниш куйни эшитиб, вольернинг узокдаги бурчагидан олдимға югуриб келди. Ёнимда айланиб, охурни хидлай бошлади. Мен уларға дархол ем бердим. Ана ўшанда сайғоқлар овозимға ўрганиб қолганини ва хатто энди уни таниётганини пайқадим. Бундан сўнг сайғоқларни ёввойи деб кўринг-чи...

Мух.: Сайғоқларда Сизға энг кўп ёқадиган нарса?

Аслан: Сайғоқларда менға хаммасидан кўпроқ уларнинг феъли ёқади. Шундай мағрур, эркин. Улардан шундай энергетика, шундай ҳаётгий куч тараладики, сўз билан ифодалаб бўлмайди. Буни ҳис қилиш керак...

Мух.: Ишингиздаги асосий муаммолар қандай?

Аслан: Албатта, муаммосиз бўлмайди. Асосийси - бу, эҳтимол, давлат томонидан кўпроқ (нафақат молиявий томондан) қўллаб-қувватлашни истардик. Чунки табиатда ҳозир вазият ўта фожиали. Чўлда сайғоқлар кундан-кунга камайиб боряпти...

Мух.: Ишингиздаги тўсиқларни қандай бартараф этиш мумкин?

Аслан: Ишдаги ҳар қандай тўсиқларни (нима билан шуғулланишингдан қатъий назар) фақат тиришқоқлик билан меҳнат қилиш, масъулият ва лоқайдсизлик билан бартараф этиш мумкин деб ҳисоблайман. Ҳар қандай иш билан дилдан шуғулланиш керак. Унда натижа ҳам кўнгилдагидек бўлади.

Мух.: Ишингиздаги энг яхши нарса нима?

Аслан: Биринчиси, бу, олижаноб иш билан шуғулланишимиз - бу қадимги антилопаларни сақлаб, болаларға сайғоқларни кўрсатишинг мумкинлигидан қувонасан. Ахир сайғоқни ўз кўзинг билан кўриш - ҳар қандай китоб ва расмдан яхшироқ-ку. Иккинчиси, бу, турли мамлакатлардаги ҳар хил инсонлар билан мулоқотда бўлиш имкони борлиги. Учунчиси, бу, менинг ишим оддий ва зерикарли эмаслигида, ахир бу сайғоқларни кўпайтириш бўйича Россиядаги биринчи питомник.

Мух.: Келажакда сайғоқлар учун, ўзингиз ва хамкасбларингиз учун умидларингиз қандай?

Аслан: Табиатда сайғоқлар сони қисқаришдан тўхташиға жуда умид қиламиз. Токи сайғоқ халқ учун афсонаға айланмасин.

Лойиҳалар шарҳи

Сайғоқларни сақлаш бўйича альянс лойиҳаларининг янгиликлари

Э.Дж. Милнер-Гулланд, e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk



people's trust for endangered species |

صندوق محمد بن زايد
للمحافظة على الكائنات الحية
The Mohamed bin Zayed Species Conservation Fund

2010 ноябрдан 2011 й. июнғача Сайғоқларни сақлаш бўйича альянс учта асосий дала лойиҳасини бажарди: Ўзбекистонда сайғоқни сақлаш, маҳаллий аҳоли иштирокида Каспий олдида сайғоқ тарқалишининг мониторинги ва Қозоғистоннинг Урал худудида сайғоқни сақлаш бўйича фаолиятға аҳолини жалб қилиш.

Ўзбекистонда бажарилаётган лойиҳа шу худудда ўтказилаётган ҳамда Disney Coins for Change фонди, 2011 й. июндан эса Елена Бикова (ЎЗР ФА Зоология институти) раҳбарлигида, Уигли (WFN) фондининг қўшимча кўмагида Ёввойи табиатни сақлаш бўйича тармоқ (WCN) томонидан молиялаштирилдиган узок муддатли ишнинг давоми ҳисобланади.

Каспий олдида бажарилаётган лойиҳа Мухаммед бен Зиед Фонди (MBZ)нинг қўшимча кўмагида Раффорд фонди (Rufford Foundation) томонидан молиялаштирилади. Лойиҳаға Астрахан областидаги "Степной" заказнигидан Анатолий Хлуднев иштирокида Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказидан профессор Юрий Арилов раҳбарлик қилади.

Уралдаги лойиҳа SOS Species Fund фонди ва Хавф остидаги турлар бўйича халқ трести (PTES) томонидан молиялаштирилади. Унга Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциациясидан Ольга Климанова раҳбарлик қилади.

Барча лойиҳалар Лондон Империял коллежи (Imperial College London) ҳамкорлигида бажариляпти; тадқиқот ишларининг бир қисмини ушбу коллеж магистрант-талабалари жойлардаги ҳамкорлар билан биргаликда бажаряпти. Бу уч лойиҳа бажарилишининг натижалари кейинги Saiga News сонида чоп этилади.

Янги нашрлар

К.Хов, Р.Меджидов, Э.Дж.Милнер-Гулланд (2011) Одамларнинг тургун хатти-ҳаракатига альтернатив табиатни муҳофаза қилувчи ҳаракатлар таъсирининг самарасини нисбий баҳолаш: Қалмоғистонда сайғоқни сақлаш мисолида. *Табиат муҳофазаси [Environmental Conservation]* **38**, 37-44.

Биз Шимоли-Ғарбий Каспий олдидаги 8 поселкадан 250 одамга, уларнинг табиат муҳофазасида қатнашишга тайёрлик даражасини баҳолаш учун, сайғоқни сақлашга қанча пул сарфлаган бўлардингиз деган савол бердик. Бу поселкаларда турли табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ўтказилди; кимдир ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларда қатнашди, бошқалар, сайғоқ муҳофаза қилинадиган ООПТ яқинида жойлашган, баъзилар сайғоқ тўғрисидаги ахборотни фақат матбуотдан олди. Пул қўйилмасининг суммаси у нимага сарфланиши мумкинлигига боғлиқ эди. Ижтимоий соҳага пул қўшиш истаги бўлди, бироқ суммалар жуда кичик эди. Ўрта ҳисобда энг катта қўйилмалар миқдори ОАВ ишига тўғри келди, айниқса қўриқланадиган ҳудудларга яқин яшайдиган одамлар орасида. Табиат муҳофазасига пул қўшишга тайёр одамлар сони, ҳеч нарса ваъда қилмаганлардан камроқ эди. Ҳеч нарса ваъда қилмаганлар, табиат муҳофазасига давлат ва халқаро ташкилотлар пул қўшиши керак дедилар. Бизнинг статик моделлар поселкада яшаш давомийлиги, ёш, фаровонлик ва сайғоқ ҳақидаги билим каби турли омиллар таъсирини ҳисобга олган. ОАВ иши одамларнинг табиат муҳофазасига ҳисса қўшишга тайёрликка бўлган муносабатини муваффақиятли ўзгартираётгани кўрсатилган.

Сингх Н., Милнер-Гулланд Э.Дж. (2011) Марказий Осиёда туёқлилар мониторинги: замонавий тўсиқлар ва бўлажак потенциал. *Орикс [Oryx]* **45**, 38-49

Биз томондан Марказий Осиёдаги мавжуд туёқлилар мониторинги усулларининг шарҳи ўтказилди, самарали мониторингнинг амалий ва институционал муаммолари белгиланди. Ҳар хил критерийларга асосланган усуллар, тадқиқотчилар тадқиқ қилинаётган турга тўғри келадиган мониторингни яхшироқ режалаштира оладиган қилиб, тоифаларга бўлинган. Шарҳ, жумладан, сайғоқ мисолида ҳам ўтказилди. Илмий тадқиқотларни маҳаллий аҳолининг мониторингдаги ортиб бораётган иштироки билан мустаҳкамлаш тавсия этилади. Марказий Осиёдаги туёқлилар мониторингининг келажаги мониторинг дастур ва усулларидаги мавжуд хато ва четга чиқишларни тўлиқ англаш, ишончли илмий усуллар тушунилиши ҳамда назариянинг

амалда синаб кўрилишини яхшилашга катта куч ва маблағ сарфлашдан келиб чиқади.

Тайлер С. Кун ва Арне О Моэрс. (2010) Тайгада йўқолиб кетган сайғоқлар. *Молекуляр экология [Molecular Ecology]* **19**, 4834-4836.

Табиат муҳофазаси билан шуғулланадиган биологлар, қирилиб кетиш хавфи остида бўлган тур демографик тарихининг биотик ва абиотик омиллар билан алоқаси бизга давом этаётган ўзгаришлар оқибатининг прогнозини тузишга ёрдам бериши кераклигини тушунади. Қазилма плейстоценлар орасида топилган бир қатор турларнинг демографик тарихини ўрганиш учун параллел тарзда тадқиқотчилар қадимги хайвонларнинг генетик ахборотидан (аДНК) фойдалана бошлади. Бироқ аДНК асосидаги тадқиқотлар асосан иқлим ўзгариши ва дастлаб босқичда инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган узоқ муддатли тенденцияларни идентификациялашга қаратилган. Яқинроқ, масалан голоцена, даврнинг популяцион трендлари аналитик чекланишлар туфайли етарли даражада эмас, қисман тадқиқ қилинган. Кампос ва бошқ. (2010а) сайғоқнинг *Saiga tatarica* демографик моделларини тадқиқ қилишда сўнгги даврларда асосий ўринни аДНК потенциалига ажратмоқда. Бу шу тур бўйича узлуксиз маълумот олиш учун тарихий ва замонавий демографик маълумотларни бирлаштириш имконини беради.

von Meibom S., Vaisman A., Neo Liang S.H., Ng J., Xu H. (2010) Сайғоқ дериватлари савдоси: Жануби-Шарқий Осиёга ургу билан дунё трендлари. TRAFFICнинг СИТЕС Котибиятига ҳисоботи. TRAFFIC Europe

Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида сайғоқ шохига талаб ва ноқонуний халқаро шохлар савдоси – чўл антилопаси сони фожиали қисқаришининг асосий омилли деса ҳам бўлади. TRAFFIC Халқаро дастури билан тайёрланган ҳисоботга сайғоқ дериватлари дунё савдосининг умумий шарҳи, Малайзия, Сингапур ва Хитой бозорининг батафсилроқ таҳлили кирган. Энг муҳим шохлар импортери сифатида сўнгги мамлакат учун савдо шохларининг запаси ва бу запасларни бошқариш таҳлили ҳам тақдим этилган. Қозғистон, Россия ва Ўзбекистонда асосий сайғоқ популяциялари, браконьерлик даражаси ва ноқонуний савдо статуси қўшимча кўриб чиқилган. Электрон кўринишда (pdf форматда) ҳисоботни куйидаги сайтларда топиш мумкин:

www.iucn.org/dbtw-wpd/edocs/Traf-115.pdf ва <http://savesteppe.org/ru/archives/842>



Ургочи сайгоқлар кўзичоқлар билан

Миннатдорчиликлар

Сайгоқни сақлаш бўйича альянс сўнги 6 ой давомида фаолиятимизни қўллаб-қувватлаган барчага, хусусан Кеннон ва Боб Хадсонларга, Джефф Флокен ва IFAW фондига сайгоқни сақлашдаги доимий ёрдами учун чин дилдан ташаккур дейди. Дисней Канада Фонди ва Пингвин клуби, Уитли Фондига Ўзбекистондаги илм бериш ва тарғибот ишларимиздаги жиддий кўмаги учун, Рафффорд ва MBZ фондларига Россияда сайгоқ сақланишини қўлагани учун, PTES ва SOS фондларига Қозоғистонда урал лойиҳаларини қўллаб-қувватлагани учун, шунингдек SIC кичик грантлар дастуримизни қўллаб-қувватлагани учун чуқур миннатдорчилик билдирмоқчимиз. WCN ходимлари ва шахсан Стэси Айверсонга ишимизга ёрдам бериш учун доимий кўмаги, ажойиб гоя ва маслаҳатлари учун раҳмат деймиз.

Бу сон чиқишига ёрдам берган ташкилотларга WCN, MBZ, WWF-Мўғулистон ва WCS-Хитойга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Редакцион коллегия. Буюк Британия: проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд [муҳаррир-маслаҳатчи], Империял Колледж Лондон (e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk); Қозоғистон: проф. А. Бекенов ва Ю. Грачев, Зоология институти (teriologi@mail.ru), О.Климанова, АСБК (olga.klimanova@acbk.kz); Хитой: А.Кан, WCS Хитой (akang@wcs.org), Г. Цзян, British Consulate-General Guangzhou (gzhang@wcs.org); Мўғулистон: Б. Лхагвасурен, ва Б. Чимеддорж, WWF-Мўғулистон (lkhagvasuren@wwf.panda.org; chimeddorj@wwf.mn); Россия: А.Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти (rusmabcom@gmail.com) ва проф. Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи хайвонлар маркази (kalmsaiga@mail.ru); Ўзбекистон: Е. Бикова [масъул муҳаррир] ва А. Есипов, Зоология Институти (esipov@xnet.uz).

Сизни олти тилнинг ҳар қандайида материал юборишга таклиф қиламиз. Илтимос, уларни esipov@xnet.uz манзил бўйича ёки муҳаррирларимизнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади. Муаллифлар учун қодаларни инглиз ва рус тилларда www.saiga-conservation.com да топишингиз ёки расмий талаб бўйича муҳаррирлардан олишингиз мумкин. Агар Сизда саволлар туғилса, илтимос, мамлакатингиздаги *Saiga News* муҳаррири ёки масъул муҳаррир - Елена Бикова (esipov@xnet.uz) билан боғланинг.

Бу нашрни www.saiga-conservation.com, <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> да онлайн ёки расмий талаб бўйича қаттиқ копия кўринишида муҳаррирлардан инглиз, козоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида топишингиз мумкин.